

13 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИНИНГ ВАЗИРЛАР ДАРАЖАСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАДБИРЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАКЕХИКО НАКАО БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.



# НУҚУ

1997-йил 27- августдан чиқа бoshлаган • www.huquq.uz • e-mail: info@huquq.uz • 2019-й. 14-ноябр, №46 (1191)

ҚАРОРДА  
КЎРСАТИЛГАН  
4 ТА ЛОЙИҲА  
ИСТИҚБОЛСИЗ ДЕБ  
ТОПИЛГАН.  
3-БЕТ

56 НАФАР  
ТАРТИБУЗАР НЕГА  
ЁПИҚ ТУРДАГИ  
ҲАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ  
КОЛОНИЯЛАРИГА  
ҚАЙТАРИЛДИ?  
4-БЕТ

«УДДАБУРОН»  
ТАДБИРКОР БИР  
ОЙДА ҚАРИЙБ  
5 МЛРД. СЎМ  
ТУШУМНИ  
ЧЎНТАККА УРДИ.  
8-БЕТ

ФАРЗАНДЛАРИНИ  
СОҒИНГАН ОТА  
АЛИМЕНТНИ  
ҲАМ, ТУРМУШ  
ЎРТОҒИНИНГ  
БОШҚАЛАРДАН  
БЎЛГАН ҚАРЗИНИ  
ҲАМ ТЎЛАБ,  
ЎЗ ОИЛАСИНИ  
ТИКЛАДИ.  
10-БЕТ



## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори  
Нигматилла Йўлдошев Россия Федерацияси Бош  
ҳарбий прокурори Валерий Петров бошчилигидаги  
делегацияни қабул қилди.

Учрашувда меҳмонларга прокуратура фаолиятининг устувор  
йўналишлари ва асосий ўзгаришлари ҳақида маълумот берилди.

Учрашув иштирокчилари икки томонлама ҳамкорлик масала-  
лари, аввало экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг  
бошқа шаклларига қарши курашиш юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, томонлар ўзарига қизиқ бўлган кенг қўламли ма-  
салалар, идораларо ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлини  
муҳокама қилди.

Қайд этилишича, Ўзбекистон томони Россия делегациясининг  
ташрифини икки давлат прокуратуралари ўртасидаги муносабат-  
ларни ривожлантиришда муҳим воқеа деб билади.

Ўз навбатида жаноб Петров меҳмондўстлик ва самимий қабул  
учун Ўзбекистон Бош прокурори Н.Йўлдошевга миннатдорлик  
билдирди ва уни Россия Федерацияси Бош ҳарбий прокуратураси-  
нинг асосий фаолияти билан таништирди.

Учрашув якунида томонлар ўзаро манфаатли идораларо ҳам-  
корликни ривожлантиришга тайёрликларини билдирди. Хусусан,  
жиноятчиликнинг олдини олиш ва бартараф этиш, замонавий ахбор-  
от-коммуникация технологияларини қўллаш ҳамда прокуратура  
кадрларини тизимли ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
соҳаларида тажриба алмашиш орқали ҳамкорликни ривожланти-  
риш кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

С.Б.Артиковани Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига  
тайинлаш тўғрисида

Светлана Баймирзаевна Артикова Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 7 ноябрь

Артикова Светлана Баймирзаевна



С.Артикова 1962 йилда Наманган  
вилоятида тутилган. Маълумоти олий,  
хуқуқшунос. 1987 йилда Тошкент давлат  
университетини тамомлаган.

У прокуратура тизимидаги фаолиятини  
1980 йилда Учқўрғон туманларо  
прокуратураси катта ноизи лавозими-  
дан бошлаб, Наманган шаҳар прокурори  
ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Ўзбеки-  
стон Республикаси прокуратураси умумий  
назорат бошқармаси прокурори,

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қонунлари муж-  
самлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими катта прокурори ва  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик  
тарғиботи бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси,  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси-  
нинг ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Пре-  
зиденти ҳузурлиги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия  
этиш бўйича Олий малака комиссияси раиси лавозимларида  
фаолият олиб борган.

2015 йилдан шу пайтгача Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари вазифасида ишлаган.

Обуна 2020

Ҳурматли  
юртдошлар!

2020 йилда ҳам "НУҚУ" газетаси  
Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб  
қолади. Газетамизга «Матбуот  
тарқатувчи» АК ва барча  
почта бўлимларида обуна  
бўлишингиз мумкин.




НАШР ИНДЕКСИ — 231

ҲАДЯ

СОВҒА

ва

ПОРА



5-БЕТ

## АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Бош прокуратура томонидан фуқаролар билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган қабулларда фуқароларнинг бир неча йилдан буён ечимини топмаётган муаммо ва таклифларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шунга кўра 2019 йилнинг 11-12 ноябрь кунлари Бош про-

курор Н.Йўлдошев томонидан Наманган вилоятида сайёр қабул ўтказилиб, жами 57 нафар, яъни Андижон вилоятидан 14 нафар, Наманган вилоятидан 21 нафар ва Фарғона вилоятидан 22 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакил-

лари қабул қилинди (мурожаатларнинг 10 таси суд, 31 таси прокуратура ва 13 таси ички ишлар органлари фаолиятига, 3 таси бошқа масалаларга оид).

Фуқаролар мурожаатлари назоратга олинди, қонуний ҳал этилиши таъминланди.

2019 йил 9 ноябрь кун прокуратура органлари томонидан Тошкент шаҳрида сайёр қабул ўтказилиб, унда 45 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди.

Шундан Бош прокурор ўринбосари С.Ортиқова томонидан жами 20 нафар, Тошкент шаҳар прокурори томонидан жами 25 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди (мурожаатларнинг 14 таси суд масалаларига, 3 таси прокуратура ва 4 таси ички ишлар органлари фаолиятига ҳамда 24

таси ижтимоий-иктисодий масалаларига оид). Бешта мурожаат бўйича муаммолар жойида ҳал этилиши таъминланди.

Бош прокуратура томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими**

JARAYON

## МЕН ҲАМ ВАТАН ҲИМОЯЧИСИМАН!

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Чилонзор туманидаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида "Мен ҳам ватан ҳимоячисиман!" шиори остида тадбир ўтказилди.



чилар қатнашди.

Кўрик-танловда болалар муассасада олаётган билимларини намойиш қилди. Иштирокчиларнинг маҳорати ҳарбий-жисмоний мамқлар бўйича ихтиёрий дастур, ватан ҳақида, Куролли кучлар фаолиятига бағишланган расмлар чизиш, бадий-эстетик сахна кўриниши шартларида баҳолаб борилди.

Кўрик-танловда биринчи ўринни 534-МТМ ўғил-қизлари эгаллади. Иккинчи ўринга 350-МТМ, учинчи ўринга 586 ва 284-МТМ тарбияланувчилари лойиқ кўрилди.

Ҳолиб жамоалар диплом ва совғалар билан тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда илк бор ташкил этилган ушбу кўрик-танловни келгусида юртимиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида ўтказиш режалаштирилмоқда.

**Бекзод ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

## ОБУНА ПУЛЛАРИ УНДИРИЛДИ

«Жондор овози» газетаси таҳририяти ва «Матбуот қалблар кўзгуси» масъулияти чекланган жамияти ўртасида газетани тарқатиш борасида келишувга эришилди. Ўтган давр мобайнида «Матбуот қалблар кўзгуси» МЧЖ 11 миллион 670 минг 238 сўмлик газетани тарқатган бўлса-да, унинг пулини таҳририятга ўтказиб бермаган.

МИБ Жондор тумани бўлими томонидан Ромитан туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 5 августдаги қарорига асосан 11 миллион 670 минг 238 сўм пул "Матбуот қалблар кўзгуси"дан "Жондор овози"га ундириб берилди.

Бу биргина мисол ҳолос. Соҳада вакиллари яхши билишади, баъзилар тадбиркорлик нико-би остида таҳририятларнинг обуна пулларини

туя қилиб, шунинг ортидан оила тевратётган журналистларнинг ҳақиқига чанг солишади. Бу эса ўз навбатида таҳририят ҳодимларининг даромадига таъсир қилмай қолмайди.

**Аъзамжон ЙЎЛДАШОВ,**  
МИБ Жондор тумани бўлими бошқисининг ўринбосари

## БОШ ПРОКУРАТУРА НИГОҲИДА

Прокуратура органлари томонидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг кунлик хабарлари мониторинг қилиниб, прокуратура органлари аралашувини талаб қиладиган қонунбузилишлар ҳақидаги хабарларнинг тўлиқ ва атрофлича кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

## СУД ҲУКМИГА ПРОТЕСТ КИРИТИЛДИ

«Facebook» ижтимоий тармоғида эълон қилинган «Тошкент вилояти прокуратураси пулни нега қайтармаяпти?» номли мақола юзасидан

"Facebook" ижтимоий тармоғида эълон қилинган "Тошкент вилояти прокуратураси пулни нега қайтармаяпти, МИБ нега вазифасини бажармаяпти?" номли мақола Мажбурий ижро бюроси томонидан кўриб чиқилган.

Мазкур мурожаатда А.З. ва Ш.С.га нисбатан Тошкент вилояти прокуратураси томонидан кўзгатилиб, тергов қилинган жиноят иши бўйича зарарни қоплаш учун тўланган 452 миллион 900 минг сўм пул суднинг ҳукмига биноан уларга қайтарилиши белгиланган бўлса-да, ханузгача қайтариб берилмаётгани кўрсатилган.

Аниқлинишича, «ТQVT» МЧЖ мансабдорлари Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ижро аппарати ҳамда Тошкент давлат аграр университети ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар факультети тўрт қаватли биносининг қурилиши бўйича ҳақиқатан бажарилмаган қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани ҳақида кўшиб ёзиб, давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказгани юзасидан 2018 йил 26 декабрда ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов Тошкент вилояти прокуратураси томонидан олиб борилган.

Жиноят иши юзасидан ўтказилган назорат ўлчовида жамият томонидан жами 656 миллион 985 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари кўшиб ёзилгани натижасида давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказилгани аниқланган. Жиноят иши 2019 йил 13 майда мазмунан кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани судининг 2019 йил 8 июлдаги ҳукмига кўра Ш.С. ва А.З.нинг ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби тасдиқланмаган ва ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан реабилитация қилинган. Шу билан бирга, Ш.С. ва А.З. ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари ва 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбли деб топилди, уларга нисбатан жарима жазоси тайинланган.

Тошкент вилояти прокуратураси томонидан суднинг мазкур ҳукмига протест киритилган бўлиб, ҳозир кассация тартибидagi суд жараёнида кўриб чиқилмоқда.

Бу ҳақда Тошкент вилояти прокуратураси муаллифга жавоб хати юборган.

**Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими**

# ФАРОВОН ҲАЁТ КАЛИТИ

Хоразм вилояти прокуратураси органлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг бажарилишини доимий назорат қилиб бормоқда. Хусусан, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг муаммолари бўйича суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Муаммоси бор тадбиркорлик субъектларининг рўйхати тузилиб, йилнинг ўтган даврида улардан 190 тасига кредит, 68 нафарига 936 гектар ер ажратилиши, 10 нафар тадбиркорга бўш бино ажратиб берилиши, 92 нафарига коммуникация тармоқларига уланиш ва 535 нафар тадбиркорга бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилди. Натижада 346 та тадбиркорлик субъекти янгидан ташкил қилинди, 536 та иш ўрни яратилди. Шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларидан 35 тасининг фаолияти тикланди.

Тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётган бир пайтда айрим мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари аниқланди ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Хусусан, прокурорлар аралашуви

билан 71 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 880 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. 23 та ноқонуний қарор протест келтириш орқали бекор қилинди ва қонунга мувофиқлаштирилди. Давлат бошқарув органларининг 15 нафар масъул ходими интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Масалан, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг Шовот тумани филиали раҳбари тадбиркорнинг қурилиши тугалланган бино ва ишюотларини расмийлаштириш масаласида қилган электрон мурожаати бўйича ўз вақтида далолатнома расмийлаштириб бермаган. Яна бир неча мурожаат бўйича далолатнома кечиктириб тайёрланган. Филиал раҳбарига нисбатан

Р.Байжанов замонавий типдаги иссиқхона қуришда ёрдам сўраган. Ушбу мурожаат вилоят прокуратураси томонидан ўрганилди. Ҳоразм тумани ҳокимининг қарори асосида МЧЖга бир гектар ер ажратилиши таъминланди.

Бош прокуратура раҳбарияти ўтказётган сайёр қабуллар ҳам тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, аҳолининг турли муаммоларига ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай қабуллардан бирида хивалик Б.Магкамимов ўзи раҳбарлик қилаётган хусусий қорхонага “Миллий банк”нинг Хива филиалидан кредит олишда ёрдам сўраган. Ушбу мурожаат қисқа фурсатда ўрганилиб, ижобий ечим топ-

**Тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши таҳлил этилганида 42 таси маҳаллий ҳокимликлар, 4 таси ергеодезкадастр, 2 таси архитектура бошқармаси, 5 таси банк, 16 таси ДСЭНМ идораси, 1 таси коммунал идора ва 1 таси бошқа ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.**

маъмурий иш кўзгатилади.

Тадбиркорнинг мурожаатини 80 кун давомида кўриб чиқишга улгурмаган Богот тумани ҳокими ўринбосари ҳам маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашда, муаммоларини бартараф қилишда вилоят прокуратураси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштираётган учрашувлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб, аҳолининг хабардорлиги оширилмоқда. Тадбиркорлар мурожаатлари эса қонуний ҳал қилина-япти. Айтайлик, “Akbar Go'zal Rustam” МЧЖ раҳбари

ди. Тадбиркор 3 йил муддатга 1 миллиард сўм кредит олишга муваффақ бўлди.

Бу каби чора-тадбирлардан қўзланган мақсад битта – қонун устуворлигини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг самарали фаолият кўрсатишига қўмақлаштиш, юртимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилишдир. Зеро, тадбиркорлик тараққиёт асоси экан, унга тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Ҳамидбек ЯВБАСАРОВ,**  
Хоразм вилояти прокурорининг ўринбосари

## ТАДБИРКОРНИНГ НОНИ БУТУН БЎЛСИН

Бугунги тадбиркорнинг нони бутун, пешонаси яраклаган. Чунки давлат тадбиркорлик субъектлари, хусусий сектор вакиллари эркин фаолият юритиши учун шароит яратиб бермоқда.

Албатта, тадбиркор фаолияти давомида қонун мададига эҳтиёж сезади. Бу борада вилоят прокуратураси органлари томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, мурожаатлари қатъий назоратга олинган. Мисол учун, тадбиркор Б.Темиров ери давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилгани, аммо унга бошқа ҳудуддан ер ажратилмаётгани ҳақида ариза билан мурожаат қилган эди. Унинг мурожаат ўрганилиб, Шифиркон тумани “Қалмоқон” МФЙ Наврўз кўчасидан ошхона қуриш учун 150 кв. метр ер ажратиб берилди.

2019 йилнинг ўтган даври мобайнида ҳуқуқи бузилган тадбиркорлик субъектлари таҳлил қилинганда, жами 2 793 та қонун бузилиши ҳолати аниқланиб, шундан 2 781 тасига солиқ, 5 тасига “Ермулккадастр”, 2 тасига қурилиш, 3 тасига банк ва 2 тасига туман ҳокимлиги томонидан йўл қўйилгани аниқланди.

Ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича 8 та тақдимнома, 3 та протест, 19 та оғохлантирув киритилиб, 10 та қарор қабул қилинган бўлса, судларга

2 та даъво аризаси киритилган ҳамда натижаси бўйича 15 киши интизомий, 3 киши маъмурий жавобгарликка тортилган. Натижада 6 та тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари тикланишига эришилган.

Ҳозирги кунда ишламаётган тадбиркорлик субъектлари билан олиб борилган тадбирлар натижасида 1015 та субъектнинг фаолияти тикланиб, уларда 1 126 та иш ўрни яратилди. Прокуратура органларининг ёрдами билан 550 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларда 801 та иш ўрни яратилган. Хусусан, Қоровулбозор туманида тадбиркор Шокир Нуруллаев ширинликлар тайёрлаш ва сотиш билан шугулланиш

бўйича давлат рўйхатидан ўтган бўлса-да, биноси таъмирга муҳтож бўлгани сабабли ишини вақтинча тўхтатган. Туман прокуратурасининг ёрдами билан тадбиркорнинг биноси ҳомийлик ҳисобидан таъмирлаб берилиши натижасида унинг фаолияти тикланди.

2019 йилнинг ўтган даврида таъсирчан солиқ механизми қўлланган объектлар сони 1226 тани ташкил қилиб, уларга жами 10 миллиард 52 миллион 100 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланган, 6 миллиард 559 миллион 800 минг сўми ундирилган.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги қарори билан Бухоро вилоятига 18 та лойиха бўйича 2018-

2020 йилларда 243,2 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиши режалаштирилган. Қарорда кўрсатилган 4 та (режада кўрсатилган 22,9 миллион АҚШ доллари) лойиха истиқболсиз деб топилган. Масалан, Бухоро шаҳридаги “Ирис инжиниринг туризм энд трайд” МЧЖ шаклидаги қўшма қорхона 7,2 миллион долларлик меҳмонхона қуриш лойиҳасини рад этган, бугунги кунда лойиҳа ташаббускори Шаҳрхостон майдонига сайёҳлар учун хунармандчилик бозорини қуриш тақлифини билдирган.

Бугунги кунда 63,4 миллион долларлик лойиҳаларнинг 4 таси ишга туширилиб, 1680 та иш ўрни яратилган.

Бундан ташқари, вилоятда Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 19 июндаги “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жаддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига қўшимча 18 та лойиҳа бўйича иш бошланиб, 39,4 миллион доллар ўзлаштирилиши таъминланган.

Кредит олиб фаолиятини кенгайтириш истагини билдирган тадбиркорга прокуратура, банк доимий мададкор. Масалан, вилоят прокуратураси органларининг ёрдами билан Ф.Асадовага насли чорва моллари сотиб олиш учун “Микрокредитбанк”нинг Жондор филиалидан 60 миллион сўм кредит ажрати берилиши таъминланди.

**Ўқтам ЗИЁДУЛЛАЕВ,**  
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН 570 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ МУАММО ВА ТАҚЛИФЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛДИ.**

**Шундан:**

- 68** таси кредит,
- 44** таси коммуникация тармоғига уланиш,
- 33** таси лицензия ва бошқа рухсатнома олинишида ҳамда
- 20** таси бино ажратиш масаласида,
- 362** таси бошқа масалаларда.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 10-11 ноябрь кунлари «Валдай» халқаро мунозара клубининг X Осийе конференцияси бўлиб ўтди.

# БЕШТАШАББУС ДЕШИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасидаги бешта муҳим ташаббуси доирасида ўқувчиларни бўш вақтида қизиқишларига монанд маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб мутолаасига жалб қилиш бўйича эътиборга молик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фаргона ва Кўкон шаҳарлари, Бағдод, Тошлоқ, Учкўприк, Кува, Бешарик, Фаргона туманларида “Бешта ташаббус, бешта имконият”, “Истеъодларни излаймиз”, “Китоб – маънавият безаги” каби мавзуларда ўтказилган ўқув семинарларида аниқ вазифалар белгилаб олинди. Вилоятдаги 942 та мактабда мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турлари бўйича 4 416 та тўғарақ ташкил этилди. Машгулотларга 129 580 нафар ўқувчи қатнашмоқда.

Марғилон шаҳрида бешта ташаббуснинг барча йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг ижодий ишлари ташлови ўтказилди. Умумий таълим ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг “Кувноклар ва зук-колар” танловининг шаҳар ва вилоят босқичида 2-ихтисослаштирилган мактабнинг “Кувнок академиклар”

жамоаси голиб бўлиб, Андижон шаҳрида ўтказилади-ган республика босқичига йўланма олди.

Мактаб ўқувчиларининг “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусидаги иншолар танлови голибларига шаҳар хоқимлиги ва Ёшлар иттифоқи шаҳар бўлимининг фахрий ёрлик ва совгалари топширилди.

Ёшларни жисмоний чиништириш ўз қобилиятини намоён қилиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Вилоят мактабларида 5 488 та спорт секциясида 177 800 дан зиёд ўқувчи мунтазам шугулланмоқда. Шаҳар ва туманларда шахмат, шашка турнирлари, футбол, баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси мусобақалари ўтказилаяпти.

Шиддат билан ривожланаётган ахборот технологиялари жамият тараққиётининг этакчи омилга айланди. Мактаблардаги 1 481 та “Компьютер саводхонлиги”, “Ёш дастурчи”, “Ёш компьютер муҳандиси” каби тўғарақларда 129 300 нафарга яқин ўқувчи компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш сирларини эгаллаяпти.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш учун “Фарзандимга уч китоб” акцияси доирасида мактабларга 84 700 тадан зиёд китоб совға қилинди. Уч тилда (ўзбек, тожик, рус) чоп этилган дарслик ва қўлланмалар тақсимотга мувофиқ мактабларга етказиб берилди.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, касбга йўналтириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, 26 800 дан зиёд ўқувчига ўқидан бўш пайтларидан “Қизларжон” ва “Ораста қизлар” клуби қошида

ташкил этилган тикувчилик ва пазандачилик тўғарақларида касб ўргатилмоқда.

Шунингдек, бешта муҳим ташаббусни янада кенг-роқ таъбиқ этиш мақсадида “Бешта ташаббус – бешта имконият” мавзусида слайд ҳамда “Бешта муҳим ташаббус – эртанимиз эгалари истиқболли йўлида” номли

## “Фарзандимга уч китоб” акцияси доирасида мактабларга 85 мингга яқин китоб совға қилинди.

услубий қўлланмалар барча туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасаларига етказилди. 10-25 октябрь кунлари мактабларда ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, назоратсизлик ва каровсизликнинг олдини олиш мақсадида “Биз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши бирлашамиз” мавзусида кўрик-танловлар ўтказилди.

Сир эмас, вояга етмаганлар ўртасидаги аксарият ҳуқуқбузарликлар назоратсизлик, бекорчиликдан келиб чиқади. Юқорида айтиб ўтилган тадбирлар ёшларимизни вақтинг кадрга етишга, пухта билим олиб, ҳаётда ўз ўрнини топишга ундайди.

**Тимур МИРХИСЕНОВ,**  
Фаргона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

## SHARH

Азалдан халқимиз насл-насабнинг соғлом бўлишига алоҳида эътибор билан қараган. Наслнинг тозаллиги, авлоднинг соғлом ва баркамоллиги кўп жиҳатдан онанинг саломатлигига боғлиқ эканини яхши англаган.

## ХУСУСИЙ ТУҒРУҚ ХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда тарихий анъана ва эзгу кадрятларни ривожлантирган ҳолда оналар ва болалар соғлигини сақлаш йўлида улғу ишлар қилинди. Бу борада кўп гапириш мумкин.

2019 йилнинг 8 ноябрь куни Ўзбекистон Президентининг “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомилдорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши бу борадаги янги кадам бўлди.

Маълумки, бутунгун кунда ҳар бир соҳада давлат-хусусий шерикчилик ва хусусий секторни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур қарор билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Хавфсиз оналик” стратегияси талабларига риоя этилишини таъминлай оладиган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган хусусий тиббиёт муассасаларига туғруқхона очишга ружуҳат берилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, 2020 йил 1 мартга қадар соғлиқни сақлаш ва ФХДЭ органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумот алмашинуви дастури тақомиллаштирилади. Келаси йилнинг 1 июлидан бошлаб барча туғруқ муассасаларида электрон маълумотлар алмашинуви дастури юритилиши мажбурий ҳисобланади.

Қарор билан 2019 – 2023 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомилдорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Бундан ташқари, қарорга мувофиқ Рес-

публика болалар тиббий реабилитация маркази ташкил этилди. 18 ёшгача бўлган беморларнинг ҳаётини яхшилаш, саломатлигини реабилитация қилиш орқали даволаниш, ноғиронлиқнинг олдини олиш ҳамда соҳадати муассасаларга ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш реабилитация марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасининг кўмагида амалга оширилиши белгиланган Қорақалпоғистонда ҳомилдор аёллар ва гўдакларга кўрсатилаётган перинатал ёрдам сифати ва оммабоплигини ошириш лойиҳаси ҳам маъқулланди.

Лойиҳа доирасида кириб келаётган дорилар, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани давлат реестрига киритмасдан ва ўрнатилган йнғимларни ундирмаган ҳолда бир марталик давлат рўйхатига олиш, шунингдек, Ўзбекистондан ташқарида ҳам дориларни рўйхатга олиш натижасининг тан олинлиши ҳамда Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ЮНИСЕФ ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига лойиҳани ўз вақтида амалга оширишга кўмаклашиши белгилаб қўйилди.

Ўз мухбиримиз

## ҚОНУНЛАР КОЛОНИЯЛАРДАГИЛАРГА ҲАМ ТААЛЛУҚЛИ

Жазони ижро этиш колонияларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Кўнгирот прокуратураси томонидан соҳага оид қонун талабларининг ижроси ўрганилди. Аниқланишича, 2019 йилнинг дастлабки олти ойи давомида маҳкумлар томонидан колонияларда жазо муддатини ўтаб юриб, ички тартибни мунтазам равишда бузиб, интизомий жазо чораси қўллангандан кейин бир йил ўтмасдан тартиббузарлик содир этиш ҳолатлари қайд этилмаган.

Аммо ҳудуддаги 27- ва 28-манзил колониясида жазо муддатини ўтаб келиб, сурункали тарзда тартиббузарлик содир этганлар 56 нафарни ташкил қилган ва улар ёпиқ турдаги жазони ижро этиш колонияларига кайтарилган. Хусусан, 27-манзил колониясида профилактик ишлар лозим даражада олиб борилмагани оқибатида маҳкумлар 22 марта тартиббузарлик содир этган. 28-манзил колониясида эса бу кўрсаткич 34 тага етган.

## Икки нафар маҳкум ўзбошимчалик билан номаълум томонга чиқиб кетган.

Шу билан бирга, махсус контрагент ташкилотларга бириктирилган колония ходимларининг ўз вазифасини лозим даражада бажармагани оқибатида маҳкумлар номаълум томонга кетиб қолган ҳолатлар юз берган. Масалан, 27-манзил колониясида уч нафар, 28-манзил колониясида икки нафар маҳкум ўзбошимчалик билан номаълум томонга чиқиб кетган. Уларнинг барчаси ушланиб, суд ажрими билан ёпиқ турдаги колонияларга юборилган.

Ҳудуддаги колонияларда қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилиши текширилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 23 та протест келтирилди, қонун бузилишини бартараф қилиш мақсадида 7 та тақдимнома киритилди.

Кўнгирот махсус прокуратураси томонидан ҳудуддаги колония бошлиқларининг буйруқ ва фармойишлари, шунингдек, маҳкумларнинг меҳнатга жалб қилиниши ва уларга иш ҳақи тўланишининг қонунийлиги ўрганилганда қатор қонунбузилишлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан колония бошлиқлари номига тақдимнома ва ишонқили буйруқларни қонунга мувофиқлаштириш бўйича протестлар келтирилди.

**Гафур АБДИЕВ,**  
Кўнгирот махсус прокуратураси терговчиси

Инсонлар бир-бирига самимий муносабатда бўлса, ўрталарида меҳр-оқибат пайдо бўлади, жамиятда осойишталик ҳукм суради. Тескариси бўлса, самимийлик ўрнини кўзбўямачилик, иккиюзламачилик эгаллайди. Бундай жамиятда ўзаро ишонч йўқолади, одамлар ўртасида адоват ва нафрат кучаяди.

# ҲАДЯ, СОВҒА ВА ПОРА

**П**орахўрлик айнан шундай иллатларнинг калитидир. Инсон ўзганининг молини фақат унинг розилиги билангина қўлга киритиши мумкин, акс холда бу жиноят инсоннинг ўзини ўзи ўлдириши билан баробар. Ҳақиқатан ҳаромдан таомланган кишининг қони бузилади, унинг бузилиши эса қалбни булғайди. Ҳаром мол билан оила боққанларнинг авлодлари ноқобил бўлади. Улар катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилмайдиган, ота-онанинг насиҳатига кулоқ осмайдиган, ҳатто ота-онага оқ бўладиган фарзандлар бўлиб ювга етади.

Порага ўрганган киши, хош олувчи ёки берувчи бўлсин, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бўлади. Бундай кимсаларда инсоф, диёнат ва адолатдан асар ҳам қолмайди. Улар бировга зулм қилишдан, одамларга зарар етказишдан тап тортмайди.

## Ҳадя олишнинг ҳам меъёри бор экан

Бир одам банкдан кўп миқдорда пул олиб қайтаётганида телефони жингиллади, қараса бир кадрдони кўнгирик қилаётган экан. Қўлидаги пулни кўтариб юриш ноқулайлик қилди шекилли, йўл четидаги ўриндиклардан бирига ўтириб, кадрдони билан узок суҳбатлашди. Суҳбатта шу даражада берилиб, кетаётганда пул тўла сумкасини ҳам унутиб қолдирди. Сумкаси эсига тушиб қайтиб келганида ҳеч нарсани топа олмайди ва ўша ердаги бир одамнинг маслаҳати билан энг яқин полиция маҳкамасига муурожаат қилди.


Орадан 10 дақиқа ўтмасдан сумка топилди. Омонатини бекаму қўст қўлига олган ҳалиги одам икки боғлам долларни олди ва пул тўла сумкасини қўлига тутқазган навбатчи зобитга узатди. Зобит фақат 100 долларни олишга рози бўлди. Маълум бўлишича, ўша давлатнинг қонунарига кўра 100 долларгача миқдорда ҳадя олиш мумкин экан. Ундан ортиги учун солиқ ундирилар, агар солиқ тўламаса ёки олган ҳадясини давлатдан сир турса жинорий жавобгарликка тортилар экан.

## Пора эмас, совға эди

Бизда ҳам шу каби воқеалар бўлади. Мисол учун, миннатдорчилик рамзи сифатида ўзимизни ёки ота-онамизни даволаган шифокорга, фарзандимизга таълим берган ўқитувчига пул ёки қимматбаҳо буюм берамиз. Бу аслида совғами ёки порами?

Фалокат оёқ остида деганларидек, бир неча йил аввал саккиз ёшли фарзандим йиқилиб тушди. У ётган жойга югуриб борганимда, оғзидан қон келиб, ҳушсиз ётарди. Миямда минг бир хаёл чарх уриб, болани машинага солдим ва тўғри шифохонага олиб бордим. Болани зудлик билан УТТ ва рентген қилишди. Орадан кўп вақт ўтмай Улугбек исмли шифокор ёнимга келиб, “Ички аззолари яхши, бола боши билан тушган, мия суяги дарз кетган. Яратганининг қудрати билан мияда йиғилган қон оғиз ва бурундан чиқиб кетибди, акс холда гематома бўларди, жаррохлик амалиёти ўтказишимизга тўғри келарди” деди.

Хуллас, шу шифокор уч кун мобайнида ҳаловатини четга суриб, фарзандимга қаради. Ҳолатини деярли ҳар ўн дақиқада таҳлил қилиб, ўзгаришларни бизга етказиб турди. “Бирор дори керакми?” деб эр-хотин унинг кўзларига термуламиз. “Ҳеч қандай дори керак эмас, ҳаммаси ўзимизда бор. Уйига жавоб берганимизда керакли дориларни ёзиб бераман” деди. Бола беш кунда ўзига келди, ўн кунда соғайиб оёққа турди. Эртага жавоб берамиз деган кун фарзандимизни қайтиб бергани учун Аллоҳ йўлига қурбонлик қилдим. Эртасига сўйилган қўйнинг ярмини олдим, яна бир пакетта мева-чева, нон, қанд-курс солиб, шифохонага бордим. Кўнгирик қилиб, шифокорни топдим. Хижолат бўлмасин деган хаёлга бориб, унга кўчага чиқишини айтдим. Кўп ўтмай, у мен айтган жойга етиб келди ва “Тинчликми, ака, ўғлингиз тузукми?” дея ҳол сўради. “Ҳаммаси жойида, сизга катта раҳмат” дея миннатдорчилик билдирдим ва атаганларимни қўлига тутказмоқчи бўлдим. У мен берган нарсаларни қўлимдан олмайди. “Кўнгилингизга олманг, вазифамдан ортқича иш қилганим йўқ, зиммамдаги масъулиятни адо этдим



холос” деб мендан уэр сўради. “Хафа бўлманг, дуо қилиб турсаларингиз бўлди” дея халтадаги узумдан бир шингил олиб, хай-хайлашимга қарамай, хайрлашиб кетиб қолди. Аслида мен унга пора эмас, боламнинг соғайишига сабабчи бўлгани учун чин кўнгилдан совға олиб келганим. Шифокорнинг ушбу ҳаракатларидан ранжисам-да, жамиятимизда шундай диёнатли одамлар борлигидан ич-ичимдан севиндим.

## Майит учун 200 доллар

Бежиз халқимиз “Беш бармоқ баробар эмас” дейишмас экан. Энди иккинчи воқеани келтирамиз. Бир амаким хасталиги сабабли анчадан буён ётиб қолганди. Қон босими тушиб кетгани учун бир неча кун аввал шифохонага ётқизишибди. Аллоҳнинг иродаси экан, ўша ерда жони узилди. Сал кам олмиш ёшни қоралаган амакимнинг нима касалдан вафот этгани шифокорларга маълум эди. Оиламиз катталари вафот этган амакимнинг катта ўғлига мени ва яна бир яқинимизни ҳамроҳ қилиб, майитни шифохонадан олиб чиқиш учун қолдиришди. Ўзлари қариндошлар, гўрков ва гассолга хабар беришга шошилишди.

Катталаримиз кетиши билан ўша муассасанинг жонлантириш бўлими бошлиғи бўлган аёл майитни шифохонанинг ўликлар сақланадиган бўлимига киритиб, эшикни қулфлаб қўйди. Биз унга ҳолатни тегишли тартибда расмийлаштириб, майитни олиб чиқиб кетишимизни айтганимизда, у “Ички ишлар бўлимига кўнгирик қилдим, майитни экспертиза қилишар экан” деди.

Кечаси соат 22:00 дан ўтган эди. Экспертлар бутун келмаслиги аниқ, жаноза эса эртаси кун соат ўнга белгилаб бўлинганди. Дарҳол ўша худуднинг ички ишлар бўлими билан боғландим. Навбатчи ходим ҳақиқатан ушбу ҳолат ҳақида хабар берилганини билдирди. Аммо вазиятни тушунтирганимдан сўнг, “Майитнинг нима касалликдан вафот этгани аниқ экан, яқинларининг ҳеч кимга даъвоси бўлмаса, керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, олиб чиқиб кетаверинглар” деди. Ўша шифокорга унинг гапларини етказдим, ишонмаган эди, кўнгирик қилиб, улаб бердим. Аммо ўша шифокор аёл майитни бериб юборишни истамади. “Эртага тонгда келинглар, экспертлар кўргандан кейин берамиз” деб туриб олди. “Ахир

улар билан гаплашдик, ҳаммасини сизга тушунтиришди” деб ялинсак ҳам пинагини бузмади. “Овора бўлманг, бермаймиз” деб туриб олди. Бу томони мусулмончилик, маросимни тезлаштириш керак. Хуллас, нима қилишимни билмай бошим қотди. Ёнимда турган амакимнинг ўғлининг кўнглига қил сивмасди. У бир нуктага тикилганча, ўнта савол берсам зўрга битта жавоб қайтариб турарди. Вазиятни ташқаридан қилиб келган учинчи ҳамроҳимизнинг “нима бўлди?” деган саволи бироз юмшати. Ҳаммасини тушунтирган эдим, ўша шифокор аёлнинг хонасига кириб кетди. Орадан 15-20 дақиқадан сўнг қайтиб чиқди. “Юринглар, майитни машинага олайлик” деди. Уч-тўрт соат уёққа югуриб-бўёққа югуриб хал қила олмаган “иш”ни қисқа вақтда қандай хал қилганини билиш учун яқинимизга савол бергандек қарамим. У эса икки-та бармогини кўрсатиб, бошини силаб қўйди. Тушундимки, ўша шифокор икки юз доллар пора эвазига майитни олиб кетиш учун рухсат берибди. “Иложим бор экану, ўша шифокор шу ишни пулсиз қилиб берганида, номаи аъмоллини гуноҳ билан эмас, савоб билан бойитган бўлмасмиди?” дея ўзим эшитадиган даражада пичирлаб қўйдим.

\*\*\*

2017 йил 3 январь куни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун, қўриғимизда ушбу қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги қарори ҳамда 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури қабул қилинди. Дастурда белгиланган чора-тадбирлар билан танишсангиз, беихтиёр коррупцияга қарши курашиш, унга буткул чек қўйиш учун бундан ортқича яна нима қилиш керак деган савол туғилиши табиий. Аммо жамиятимизда порахўрлик ҳамон давом этаётгани ҳали олдимизда қилнажақ ишларимиз кўп эканидан далолат беради. Аввало ҳар бир фуқаро ушбу иллатга қарши муросасиз муносабатда бўлиши лозим. Зеро, жамиятда битта порахўрнинг бўлиши ҳам халқнинг давлатга ва раҳбарларга бўлган ишончига жиддий пугур етказида.

Қамолiddин АСҚАРОВ,  
«Нидо»

Кимгадир жаҳл қилиб, ақл бовар қилмас ишларга қўл уриш, ўзлигини унуттиш... Афсуски, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда кимдир гоҳ қайнонасига, гоҳ хотинига, эри ё бошқага жаҳл қилиб ўз фарзандини ўлдираётгани ҳақидаги хабарларни ўқир экансан, вужудингни титроқ босади. Наҳотки одамзод шу қадар тубанлашиб бораётган бўлса?! Аслида бу мавзуда ёзиш жуда оғир. Бирок кўз олдимизда бахтли ҳаётини ўзи остин-устун қилган аёллар тақдири кимнидир шум ўйлардан қайтарар, кимгадир сабр қилмоқчи ўргатар деган мақсадда шунга жазм этдим.

тидан совуқдан қалтираган қизчаси ҳам бурнини торта-торта эргашди.

Дарвозанинг қаттиқ тарақлаши, аёл кишининг бақир-чакиридан кўрқиб кетган уй соҳибаси чиқиб эшикни очди. Унинг исми Шоира эканини эшитганди. Муқаддас унга бир оғиз ҳам гапирмай, ўзини ичкарига урди. Минг афсуски, тахминни тўғри чиқди. У эрини ярим-яланғоч ҳолатда кўриб, жонҳолатда бакиришга тушди:

– Мана, отангни кўр!.. – у кизини отасининг ёнига судраб борди. Кейин кутилмаганда эрига ташланиб, юзларини тиндалай кетди. Аммо Носир бунга жим қараб турармиди?! Айб ўзида бўлишига қарамай, хотинини аямай қалтаклашга тушди. Ярим тундаги бу “киёмат” бутун кишлокни тутди...

Эрининг аёвсиз тепкиларидан аъзои бадани қакшаётган Муқаддаснинг афти-ангорини кўриб бўлмасди. Дахшатли можарога гувоҳ бўлган ва онасини бу аҳволда кўрган кизалокнинг эса ҳарорати кўтарилгандан кўтарилиб борарди.

Уйга базўр етиб келган Муқаддас шоша-пиша кизига дори ичираркан, аламдан бир жойда ўтиролмас, дам-бадам эшик ёнига бориб келиб эрини қаргарди. Охири кўнглига адоқсиз оғрик бераётган галаёнга чиқолмади чоғи, ни-магадир қатъий қарор қилгандек ҳовли тўрига шошди. Бир четда турган бензин тўла идишни олиб келди-ю, ичидагини уйи атрофига сепа бошлади...

Уйнинг алангаси кўкка ўрлаган-

қилар, уни бир амаллаб тинчлантиришарди...

“Энди бошқача яшолмайман, – ҳал-ёлга берилди шундай кунларнинг бирида. – Майли, ногирон, хунук бўлай... Майли, менга ижирганиб қарашсин, устимдан кулсинлар... Аммо энди болаларим учун иродали бўлиб, сабр-бардош билан яшайман. Майли, отаси бизга киё боқмасин, аммо болаларимни энди ҳеч кимга муҳтож қилмай қатта қиламан. У меҳримизни кўмсаб ўзи қайтади бир куни. Ҳали меҳр-муҳаббат, садоқат қанақа бўлишини унга ўзим исботлайман! Фақат... болаларим билан...”

Аммо оқилона қарорга жуда кеч келганини, фарзандлари энди йўқлигини у ҳали билмасди...

Ҳозир Муқаддас телбанамо бўлиб қолган. Баъзан бир неча кунлаб йўқолиб, кўшчиларни хавотирга солса, баъзан ҳафталаб уйига беркиниб олиб, ҳам дарёсига ботади. Гоҳида қабристонда тентираб юрганни кўришади...

Кейинги фожиа ҳам юракни эзади.

Мунира ўглининг бирданга камгап, одамови бўлиб қолганидан хавотирда. Мунг тўла кўзларига қарашга ботинолмайди. Аслида унда ҳеч бир гуноҳ йўқки, болаларидан хиёлат қилса. Фақат мана шу дилбаланиг учун оиласини саклаб қололмади. Кўнглига қарши чиқолмади...

Мунира диплом олиши билан ота-онаси уни турмушга бериш ҳаракатига тушиб қолишди. Икки-уч кишлоқ наридан

# АЛАМЗАДАЛИК

Муқаддас ҳам эрини жону дилидан Мяхши кўрар, ишдан келса илик кутиб олиб, олдига ошу нонини кўярди. Қайнота-қайнонасининг ҳам дуосини олишга ошиқарди.

Уч фарзанднинг ота-онаси бўлишганида бу оиланинг ҳаловати бузилди. Носир кўп ичидиган, ҳатто баъзан тунлари уйга қайтмайди одаг чикарди. Биров “бу болани пул қутуртирди” деса, кимдир “онасининг ўлимини кўтаролмади” деди... Чунки ўша кунлари онаси қазо қилганди.

Отаси Назар ақанинг насиҳатлари ерда қолаверарди. Ана шундай кунларнинг бирида алламаҳалгача уйга келмаган эрини пойлашга аҳд қилган Муқаддас қор гушлалаб уриб турган тунда кизини етаклади-ю, Носирнинг ортидан ишқонаси борди.

“Собиржон билан чиқиб кетишувди.

Балки Мухторниқадир... Эрингиз аслида бутун ишга чиқмаганди...”

Қоровулдан бу гапни эшитган аёл баттар жаҳл отига минди. “Уйи қуйган бу ярамаснинг...” дея гўдраниб, эрининг ҳамкасбиниқига йўл олди.

Бемаҳал таширфдан кўрқиб кетган Мухторнинг хотини: “Вой ўлай, улар бу ерга келишмади, – дея олди базўр. – Муқаддасхон, ҳа энди... эркак кишилар бўлса... Баъзан шундай юришади-да тентираб... Огайнилар бирор ерда улфатчилик қилишаётгандир... Мана, бизнинг ҳўжайини ҳам йўқ... Сиз яхшиси уйга қайтинг. Болангиз совуқдан кўкариб кетибди, яна шамоллатиб қўйманг...”

Аммо Муқаддаснинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Қўшини аёллар, таниш-билишларнинг эри ҳақидаги миш-мишларини ўйласа... У гумонсиз раган манзили томон йўлга тушди. Ор-

да Носир маҳалла бошида чайқалиб келмоқда эди. Кўз ўнгидеги дахшатли манзарадан талвасага тушганча дастлаб нима бўлаётганини англомай, анграйиб турди. Кейин ўзини аланга ичига урди. Афсуски, болаларини олов қангалидан омон олиб чиқолмади. Иккитаси касалхонага етиб бормади минг азобда жон берди. Муқаддас ва ўглининг аҳволи эса жуда аянчли эди.

Уч кун ўтгач, ҳушига келган аёл базўр лабини кимирлатди.

– Бо... бо...

Уни тушунишди.

– Болаларингиз яхши, улардан хавотир олманг...

Бирок бу гаплар уни тинчлантириш учунгина айтилган эди холос. Шу кунни тонгга яқин ўғли ҳам узилди...

Тортмаган азоби қолмаган Муқаддасни эса таниб бўлмас, ўзининг аянчли кўринишидан борган сари дахшатга тушарди.

– Ойижон, мен... болаларимни кўрмоқчиман, – деди у бошида парвона бўлаётган онасига ёлвориб. – Улар ҳам шу ердами?! Улар ҳам менинг ҳолимга тушишганими?! Айтинг, онажон?! Мен тортган азобларни наҳот улар ҳам...

– Йўқ, кизим... Улар анча тузук...

Онанинг овози титрарди.

– Мени алдапсиз, онажон... Асли мен ахлахман, она эмасман! Жоҳил, нотаъонман... Энди эсим қирди, ойижон!.. Ахир уларни бундай ҳолга солишга ҳақим йўқ эди, уларда айб йўқ... Бечораларим... нима учун бундай ётиши керак?.. Мен нима қилдим ўзи?! Нима қилиб қўйдим!!

Уни зўрга тинчлантиришди.

Муқаддас тузалиб боргани сайин “Болаларимни кўрсатинглар!” дея фарёд

қилаётган совчиларга розилик берилди.

Кувё бўлиши Қодиржон бироз ўзига бино қўйган, атрофдагилар билан муносабатга киришиб кетавермасди. Бир кўришда ёқмаган бўлса ҳам Мунира ота-онасининг раъйига қарши боролмай, иложсиз кўнди.

Ёз охирида тўйлари бўлди. Дастлаб у Қодиржонга ўрганиб кетолмай, роса қийналди. Лекин кейинчалик ўзи учун қайғуралдиган, топган-тутганини уйга ташийдиган эрига бутунлай боғланиб қолди. Ҳатто бир кун уйда бўлмаса, дунё кўзига тор кўринарди унга.

Қатта қизлари туғилгач, Қодиржоннинг ишлари юришиб кетди. Шаҳар марказидан уй сотиб олишди, машина дегандай... Ўғилчаларининг қалами қулғу келиб, “Жигули” “Нексия”га алмашди. Бирок... Қутилмаганда Қодиржон уйга тун ярмида келадиган бўлиб қолди. Эртарок келса ҳам нималаридир баҳона қилиб кўчага чиқиб кетади.

## Хиёнат устида қўлга тушган эр хотинини аёвсиз қалтаклади.

Мунирани ғам эза бошлади. Нега эри бу қадар ўзгариб қолди? Рўзгор билан ҳам иши йўқ... Болаларига ҳам қарамай қўйди. Авваллари ишдан келибқол уларни қўлига олар, ухлагунларича бирга ўйнар, Мунира эса бундан фойдаланиб, чала қолган юмушларни бажариб оларди. Энди эса...

Бир куни Қодиржон кўчадан маҳзун қайфиятда кириб келди. Аввал болаларини суйиб эркалади, хотинига ҳам алланасуқ галати термулиб қўйди. Гўё

дилини бир ғам эзаяпти-ю, ҳеч кимга айтолмаётгандек... Ниҳоят, болалар ухлагач, икки мижажасида ёш милтиллаганча Мунирага яқинлашди:

– Мунира, эрингни қатта бир ташвиш эзиб, адо қилаяпти-ю, сезмайсан ҳам-а?!

– Қайдам... – елқасини қисди Мунира. – Ўзингиз бирор нима демаяганингиздан кейин...

Ўша тун Қодиржон иш баҳона бир аёл билан танишгани, у билан хиёнат қўчасига киргани, бу йўл ҳатолигини англагач, ортга қайтмоқчи бўлгани, бундан ғазабланган таниши уни ҳар қўйга солиб, ишқонасида беобўр қилаётганини айтар экан, Муниранинг ғазабдан тили айланмасди. Наҳот покиза деб ҳурматлаб, жону жаҳонини берган эри шу қадар тубан инсон бўлса?! Наҳот шу жирканч ишларга қўли борган бўлса?!

Аввалга ўзини қўйгани жой тополмаган аёл эри билан роса жанжаллашмоқчи бўлди. Бирок Қодиржон қиғилқини қилиб ҳам паст тушай демасди. Ақсинча, Мунирани обдон қалтаклаб, ота уйига кетиб қолишдан қўрқанидан уйга қамаб қўярди. Бир ой ичида аёлни кўкармаган жойи қолмади.

Қодиржон бу абор ҳолатига хотини айбдордек тутарди ўзини. Аёл барига чидашга мажбур эди. Ахир эри билан ажрашиб кетса, эл-юрт олдида нима деган одам бўлади?! Қолаверса, икки боласининг бошини бетона қўл силармиди?! Боз устига, улар отасига полапондек талпинса... Бетоблигини баҳона қилиб бир-икки кун ота уйида турганида қатта кизи ичкики, тун билан ҳарорати кўтарилиб чиқди. Ҳеч гапдан хабари йўқ Муниранинг отаси тонг-сахарда уларни Қодиржоннинг қўлига топшириб, кўнгли тинчиди.

# БИЗ БИЛАН БИР САФДА

➤ Йўқ, Мунира изтиробларга барибир токат қилолмади, эрининг хиёнатини кечиролмади. Гарчи эри бутунлай ўзини ўнглаб олган бўлса-да, қалбини нафрат эгаллаб бўлган экан...

Мана, тўрт йилдирки, у ёлғиз. Оиласини йўқотганидан заррача афсусланмас-да, болаларининг хархашаси жон-жонидан ўтиб кетганида ўксингандек бўлади. Лекин начора! Қадамни қўйиб бўлди, энди ортга қайтиш йўқ. Ишхонасида обрўси яхши, рўзгорда муҳтожлиги йўқ ахир.

У ўз хаёллари билан эндигина хамир қормоқчи бўлиб турганиди, кўшини бола югурганча қириб келди:

– Мунира опа, Мунира опа! Қандайдир одам Собирни кўчада судраб кетаяпти!.. Қаергадир олиб кетмоқчи!..

Мунира шошиб қолди. Нима бўлаётганини тушуниб-тушунмай кўчага чопди. Не кўз билан кўрсинки, Қодиржон ўғлини қўлидан маҳкам ушлаб судраганча сал нарида кетиб борарди.

Бир зум уларга қараб турди-ю, югуриб бориб эрининг қўлига ёпишди:

– Болани нега судрайсиз?! Нима қилмоқчисиз уни? Қаерга олиб кетаяпсиз?

– У мен билан яшайди энди! – деди эри хансираганча унга боқиб. – Ортиқ бардошим етмайди ёлғиз яшашга!..

У шундай деди-ю, важохат билан ўғлига юзланди:

– Эшитаяпсанми?! Энди мен билан яшайсан!

– Барибир қочиб кетаман! – Собиржон ёш тўла кўзлари билан отасига боқди. – Ҳеч қачон сиз билан яшамайман!

Отаси онасини уриб, хўрлаб ҳақоратлаган кезлари Собиржоннинг қалбини отасига нисбатан нафрат эгаллаб улгурганди...

– Унда мана, мана... – Қодиржон ғазаб билан ўғлининг дуч келган ерига тепа бошлади. – Агар мен билан яшамасанг... онанг билан ҳам...

## Ўғлини ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган ота ўз фарзандининг қотилига айланди.

Мунира дод солганча эрига ёпишди. Бирок ғазабдан қутуриб кетган Қодиржонга бас келиб бўлмасди.

Қип-қизил қонга бўялиб, оғриқлардан йиғлашга-да мадори қолмаган ўғлига қараб аёлнинг хуши бошидан учди. Шу пайт ерда ётган тошга кўзи тушди-ю, миясига келган ўйнинг тўғри ёки нотўғри эканини ҳам таҳлил қилмай уни жон ҳолатда қўлига олди...

Дам ўтмай юзи аралаш сачраган қон ва эрининг ғайритабиий инграши-ю ерга юзтубан йиқирилиши хушига келтирди. Қодиржон ётган ерида типирчиларди, бироқ Мунира унга эътибор қилмай ўғли томон югурди. Бирок минг афсуски...

Ёнма-ён жойлашган икки қабр ўртасида беҳолғина бир аёл ўтирарди. Дам ўзича бир нималар деб қулса, дам ўтмай йиғлаб дилини ўрттайди:

– Ўз отаси қўлида ўлган болам-ов!.. Ота-она қурбони, арслоним-ов!..

Дам ўтмай хо-ҳолаб қулади:

– Мен ўлдиридим уни... Ҳа, ўлдиридим! Сенинг қасдингни олдим, болам... Ёнингда борғунимча анави мегажинини ҳам ўлдирисам... Ҳа-ха-ха!..

Юқоридаги каби фожиалар ҳеч қимнинг бошига тушмасин. Зеро, Мукаддас ва Мунира сингари йўл тутиш мўътабар аёлга асло ярашмайди. Илло, халқимизда “Эрининг бузғунини хотиннинг тузуги ўнглайди” деган гап бор. Ана шу ақида ёлдан чиқмаса бўлди...

Нилуфар НИЁЗОВА,  
«Нидо»

Сирдарё вилояти прокуратурасининг ёрдами билан Ўзбекистон қарлар жамияти бошқарувининг 2019 йил 23 апрелдаги қарорига асосан Сирдарё вилояти қар ва соқовлар жамияти ташкил этилди.

Жамият фаолият юритиши учун вилоят Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасига тегишли бўлган, Гулистон шаҳар Сайқал маҳалласи Сайхун кўчасида жойлашган Гулистон марказий стадиони биносидан учта хона берилди.



Шунингдек, жамият фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техник таъминотини яхшилаш мақсадида Бобвулдан туман ҳокимининг қарори билан 10,4 гектар ер ажратилди.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан қайд этилган қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда эшитиш ва нутқида нуқсон бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилиб, фаол иштирокчиларга совғалар берилди. Хусусан, ногиронларнинг маданий ҳордиқ чикариши учун 15 октябрь куни Қар-соқовлар жамияти Тошкент шаҳар маданият маркази ижодий гуруҳи таклиф қилиниб, “Ватан барчамиз учун ягонадир” спектакли қўйилди.

2019 йилнинг 28 октябрь куни “Биз бир сафда” шiori остида жамият аъзолари ўртасида кўрғазмали танлов бўлиб ўтди. Унда эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахслар ўзлари ясаган буюмлар билан иштирок этди. Гулистон шаҳар Болалар шаҳарчаси ва санъат коллежи ўқувчилари намоиш қилган сахна кўринишлари томошабинларга кўтаринки руҳ бағишлади. Кўрғазмада фаол қатнашганлар қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Улар ҳам доимо биз билан бир сафда эканини унутмаслигимиз лозим.

Ғайрат САРИБОЕВ,  
Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

ТАҲЛИЛ

# АФВ ЭТИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

Жазони ўташдан мuddатидан илгари озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига мувофиқ амнистия ёки афв акти асосида амалга оширилади.

Конституциямизга биноан афв этиш ҳукуқи Ўзбекистон Президентига берилган. Афв этиш жиноят қонунчилиги бўйича жазодан озод этишнинг бир тури сифатида Жиноят кодексининг 76-моддасида белгилаб қўйилган. Шахсга содир этган жинояти учун тайинланган жазони қисман ўзгартириш, жазонинг бошқа тури билан алмаштириш ёки унга тайинланган жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин. Афв Президенти имзолайдиган ҳужжат асосида амалга оширилади.

Президентимизнинг 2018 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги фармони юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида олиб борилган ислохотларнинг манфий таъсири давоми ҳисобланади.

Афв этиш муайян маҳкумга нисбатан индивидуал тартибда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва маҳкум томонидан жиноят содир этиш фактини бартараф қила оладиган ҳолат ҳисобланмайди. Ўзбекистон Президенти ўз ихтиёрига кўра исталган маҳкуми ёки жазо ўтаб бўлган шахсини афв этиши мумкин. Афв этиш Ўзбекистон судлари томонидан ҳукм қилинган Ўзбекистон фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланади.

Афв этиш қуйидаги шаклларида амалга оширилади: асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман

озод қилиш, жазодан мuddатидан илгари шартли озод қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш, судланганликни олиб ташлаш. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни дастлаб Ўзбекистон Президенти хузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия қўриб чиқади. Комиссия таркибини Ўзбекистон Президенти тасдиқлайди. Комиссия таркиби Олий суд, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда “Нуроний” жамғармаси вакиллари киритилган. Президентимизнинг юқоридagi фармони асосида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, шунингдек, бошқа давлат органлари,



нодавлат ноижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин. Комиссия мажлисларини комиссия раиси ёки унинг топшириғига кўра ўринбосари ўтказиши мумкин. Комиссия мажлиси афв тўғрисидаги илтимоснома келиб тушишига қараб ўтказилади. Мазкур мажлисларда Олий суд раиси, Бош прокурор, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, адлия вазири, улар бўлмаган тақдирда ўринбосарлари қатнашишлари мумкин. Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномани қўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни муҳо-


кама қилиш учун ўз мажлисида давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар вакилларини ва бошқа шахсларни таклиф этиш ҳуқуқига эга. Комиссия мажлисида баённома юритилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкум ёки жазони ўтаб бўлган шахс, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисидаги илтимоснома кўзгатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган) томонидан Ўзбекистон Президенти номига ёзма шаклда берилади.

Илтимоснома орган томонидан берилган бўлса, маҳкумнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкумнинг ёзма розилиги ва Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган афв этиш тўғрисидаги фармоннинг 21-бандида кўрсатиб ўтилган бошқа материаллар билан бирга шўъбага юборилиши лозим.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ҳукм қонуний қучга кирганидан сўнг ўталган жазо мuddатидан қатъи назар берилиши мумкин. Илгари амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод этилган, шартли ҳукм қилинган, мuddатидан илгари шартли равишда, амнистия ёки афв акти асосида жазодан озод қилинган, ўзига нисбатан тайинланган жазога нисбатан енгилроқ жазо қўлланган ҳамда яна қасдан жиноят содир этган шахс, шунингдек, ўта хавфли рецидивист тайинланган жазо мuddатининг қамиди учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин афв этиш тўғрисида илтимоснома бериши мумкин.

Абдиқим МУСАЕВ,  
Деҳқонobod тумани прокурорининг қатта ёрдамчиси



Ҳаёт – кўҳна, доно муаллим. У ҳар соҳада инсонга сабоқ бериб бораверади. Унда кимдир билимини оширади, кимдир бунга ҳафсала қилмайди: айтилган сўзлар у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетаверади.

## ҲАЁТДАН ДАРС ОЛМАГАН

Жаҳонгир Хидоятовнинг ёши эллика қараб кетаётган бўлишига қарамай донишманд ҳаётдан ҳам, устозларидан олган ўғитларидан ҳам хулоса чиқармади. Етти марта судланган бўлса-да қонунга ҳилоф ҳаракатдан тийилмади. Тадбиркорлик билан шугулланиш таралдуғидан тушган Ж.Хидоятов 2019 йил 4 март кунини давлат хизматлари марказида рўйхатдан ўтгач, “Таянч плюс” МЧЖга қарашли дўконда савдо билан шугуллана бошладди. Савдо-сотикнинг ҳадисини олган Ж.Хидоятов учун тадбиркорликнинг бу йўналиши умуман қийинчилик туғдирмади.

### Тадбиркорга қонун талаби катта аҳамиятга эга эмасдек кўринади.

1 апрелда иш бошлаб 30 апрель кунини тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш ҳақида давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилди.

“Hidayatov Djahongir Idoyatovich” ЯТТнинг 2019 йил 4 мартдан 1 майгача бўлган фаолиятида солиқ қонунчилигига қай даражада риоя қилингани ва назорати солиқ ор-

ганларига юклатилган фармон ва қарорлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Текширишда Ж.Хидоятов шу қисқа муддатда жами 5 миллиард 881 миллион 900 минг сўмлик маҳсулотни нақд пулга сотиб, пулни назорат-касса машинасидан ўтказмагани ва банкка топширмагани аниқланди.

Ж.Хидоятов учун қонун талаби жуда катта аҳамиятга эга эмасдек кўринади. Чунки “Қишлоққурилишбанк”нинг Бухоро минтақавий филиалида иккиламчи ҳисобрақами очиб олган қаҳрамонимиз пул айланмаларини амалга оширса-да, банкка тўлов топшириқномаларини тақдим этишни “Хотиридан фаромуш қилган.” у “Mobile-banking” дастури орқали банкка бормай туриб пул айланмаларини амалга оширган.

Илгари бир неча марта судланган бўлишига қарамастан яна ноқонуний иш қилган Ж.Хидоятов суд томонидан айбли деб топилиди. Унга ойлик маошининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Мирқамол ДАВРОНОВ,**  
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим катта инспектори

## АЛДАНГАН ТАДБИРКОР

Бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолатига айланиб бормоқда.

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш, ушбу соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган иқтисодий жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, департаментнинг Хонқа тумани бўлими ўтказган тезкор тадбирда тадбиркор Шоназар Аҳмедовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинди.

Сарапаён қишлоғида яшовчи Алишер Саидов оилавий қорхона раҳбари Ш.Аҳмедовга турмуш ўртоғи Санобар Ҳамроевнинг туман мактабгача таълим бўлимида ишлашини, мактабгача таълим муассасаларига озик-овқат етказиб бериш учун турмуш ўртоғи орқали шартнома олиб беришини айтади. Эъзига Ш.Аҳмедовдан 6 миллион сўм талаб қилади. Шу куннинг ўзида Алишер Саидов иш тезкор битишини баҳона қилиб, Шоназар Аҳмедовдан 3 миллион 700 минг сўм пулни олишга ҳам улгуради.

Орадан бир ой вақт ўтса-да шартномадан дарак бўлмайди. Тадбиркор ҳамқишлоғининг найрангига алданганини билиб, мазкур ноқонуний ҳаракат юзасидан департаментнинг Хонқа тумани бўлимига мурожаат қилади. Тадбиркорнинг аризаси асосида ўтказилган тезкор тадбирда А.Саидов келишилган пулининг қолган 2 миллион 300 минг сўминини олаётган вақтда ушланди.

Наҳора, қилмиш қидирмиш деганларидек, ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.

**Дилрабо ҚУРЯЗОВА,**  
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

## «СПАРК» КИМГА НАСИБ ҚИЛДИ?

Шербек (исм-фамилиялар ўзгартирилган) илгари судланган. Тайинланган жарима ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан амнистия актига асосан озод қилинди. Аммо бундан хулоса чиқармади. Кўп ўтмай фирибгарлик билан бировнинг мулкига эгалик қилмоқчи бўлди.

Бир кунини у таниши Раҳимга машина олмоқчи эканини билдирди.

– Менинг бир танишим бор. Машина олди-сотдиси билан шугулланади. Сен айтгандек пулни бўлиб-бўлиб беришга ҳам кўнади. Хохласанг таништириб қўяй, – деди у.

Улар Раҳимнинг таниши Бобоёрниқига келишди.

– Мана, қара, шу “Спарк”ни сотмоқчи, – деди Раҳим кўк рангли машинани кўрсатиб.

Шербек Бобоёр билан танишиб, муддаога ўтди. Улар анча тортишувдан сўнг 48 млн. сўмга келишилди. Шербек 3 млн. сўм берди. Қолганини ойма-ой 3 млн. сўмдан бериб қутулишини айтди. Бобоёр ҳам рози бўлди.

– Бир йиллик расмийлаштириш муддати келганда сизнинг номингизга расмийлаштириб бераман, ҳозир бир аёлниги номида, – деди у.

Шербек икки ой ваъдасини бажарган бўлса, кейинчалик келишилган суммани беролмади. Шундан сўнг машинага харидор қидира бошладди. Танишлари орқали Соҳибни топди. Соҳиб машинани 13 000 АҚШ долларига сотиб олишга рози бўлди. Аввал 5000, кейинчалик 2500 доллар берди. Қолганини тўрт-беш ойда беришга

Шербекни кўндирди.

Шербек ҳам ўз навбатида:

– Пулни бериб бўлганингдан кейин расмийлаштириб бераман, – деди.

Лекин ундан олган пулни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди.

Бобоёр Шербекка сотган “Спарк”ни бошқа биров миниб юрганини кўрди-ю хайрон бўлди.

– Машинани қимдан олдинг, нега сен хайлаб юрибсан, эгаси қани? Қолган пулни бермасдан қочиб юрибди мендан, – деб сўради.

– Ижарага олганман, – деди Соҳиб.

Бобоёр Раҳимнинг олдига бориб, вазиятни тушунтирди.

– Шербекни топиб бер, – деди.

Раҳимдан фойда бўлмагач, Бобоёр Соҳибни излаб топди. Ундан воқеани батафсил билиб олгач, Шербекнинг устидан тегишли жойга арз қилди. Унинг аризасига биноан ИИБ ходимлари “Спарк”ни Бобоёрга қайтарди.

Бу орада Шербек Россияга кетиб қолган эди. Орадан тўрт йил ўтиб қайтиб келган йигит Соҳибга етказган 16 млн. 532 минг сўм зарарни қоплаб берди.

Суд ҳукми билан Шербек Назаровга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Илҳом ТУРДИЕВ,**  
департаментнинг Самарқанд шаҳар бўлими катта инспектори

## НАҚДЛАШТИРИШ КАСОФАТИ

Юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун ҳаракат қилаётган юртдошларимиз сафида бўла туриб, ишни орқага тортаётганларни ким деб аташ мумкин?

Давлатимиз тадбиркорларга катта имконият бераётган бир пайтда улар жиноятга қўл урса, бу тузлиққа тупуриш эмасми?

Юртимизда ҳамон нақд пул муаммоси мавжудлиги ҳақиқат. Унга аста-секинлик билан барҳам берилаётти. Бу жарабдан эса баъзи “уддабурон” тадбиркорлар фойдаланиб қолишга ҳаракат қилиб, оқибатда жавобгарликка тортилмоқда.

Жавлат Жўраев (исм-фамилияси ўзгартирилган) «Food express» МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиб, дастлаб унга ўзи раҳбарлик қилади. Кейинчалик қонунга ҳилоф равишда пулни нақдлаштириш билан шугулланиш учун жамият раҳбари лавозимига танишларини тайинлайди. Амалда эса жамиятнинг ўзи бошқаради. Аслида бу шахс аввал ҳам иқтисодий жиноятлар содир этгани учун икки марта судланган эди. Ж.Жўра-

ев МЧЖни бошқарган даврда жами 4 миллиард 500 миллион сўмдан ортик ноқонуний пул айланмасини амалга оширган. Хусусан, у мазкур пулни бешта тадбиркорлик субъектига ўтказди. Пул ўтказиш йўли билан харид қилинган харидорғир маҳсулотларни эса нақд пулга сотиб, тушумни белгиланган тартибда жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамига қирим қилмасдан, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Ж.Жўраев фаолияти давомида бюджетга тўланиши лозим бўлган жами 1 миллиард 157 миллион сўмдан ортик турли солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келган. Бу ҳам етмагандай, ҳужжатларни қалбақлаштирган.

Содир этган жиноятларини яшириш мақсадида МЧЖнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини йўқ қилиб юборган.

Жиноят ишлари бўйича Олмасор тумани судининг ҳукмига кўра Ж.Жўраевга 4 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

### Бир миллиард сўмдан ортик турли солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келган.

Нима деб ўйлайсиз, мана шундай қинғир йўллар билан топилган пул оилга барака олиб келармикан? Унис ҳам майли, бундай одамлар хотиржам яшай олармикан? Ахир ҳаётдан мақсад ҳам тинч-хотиржам яшаш эмасми?

**Аваз ТУРСУНОВ,**  
департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими инспектори

## КОР ҚИЛМАГАН ЖАЗО

Департаментнинг Касби тумани бўлими ходимлари фуқаро Н.Ж.нинг мурожаати юзасидан ўтказган тезкор тадбирда яна бир валютафурушнинг фаолиятига чек қўйди.

Қарши шаҳридаги марказий дехкон бозори ёнида фуқаро Х.Ж. фуқаро Н.Ж.дан 100 АҚШ долларини 840 минг сўмга сотиб олган пайтда ушланди. Унинг ёнида бўлган 5 миллион 733 минг сўм пул ашёвий далил сифатида

расмийлаштириб олинди.

Қизғин, Х.Ж. валютани ўтказиб, олиш билан шугуллангани учун 2019 йилнинг ўзида жарима жазосига тортилган эди. Афтидан, бу жазо унга кор қилмаган кўринади, кўнгли яна қора бозорни тусаб қолибди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Улуғбек АЗИМОВ,**  
департаментнинг Қарши шаҳар бўлими бошлиғи



# ҚОТИЛ ҚАРИЯ

Падаркушлик энг оғир жиноятлиги хусусида ўқиганмиз, эшитганмиз. Хўш, фарзандкушликчи? Ўз боласининг қонини тўккан отанинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани сулида 71 ёшли қарияга оид жиноят иши кўрилди. Энг хайратланарлиси, бу киши шу ёшида котилликка қўл урган экан. Ҳа, айнан у ёшгина йигитнинг умрига зомин бўлди. Устига-устак жувонмарг кетган йигит ўн икки боланинг отаси бўлган қариянинг олтинчи фарзанди эди...

Суд мажлисида аниқланишича, судланувчи Ёмғир Аннаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1948 йилда туғилган. Ҳозир пенсияда. Илгари суд ҳукми билан бир ярим йил озодликдан маҳрум қилиниб, сўнг жазодан муддатидан илгари озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган.

...Ўшанда Янги йилга ўн кун вақт қолганди. Ҳамид байрамни зўр кутиб оламуз деб уста топиб келиб, уйига электр ўтказди, кейин янги телевизор олиб келди. Аммо телевизорни кўрсатмасдан уни роса хуноб қилди. Охири телевизорни ҳам, бола-чақасини ҳам машинага ортиб, қайниси Шуҳратнинг уйига жўнади. Шуҳратнинг уйида янги телевизор яхши кўрсатди. Сўнг телевизор ва Шуҳратнинг тюнсерини олиб, яна уйга келишди. Телевизор яна ишламади. Яна Шуҳратниқига қайтишди. Меҳмондорчилик тугаганида вақт алламаҳал бўлиб қолганди.

Уйга қайтаётгани Ҳамид машинасини отасининг уйи олдига тўхтади. Хотини Лобарнинг юраги ғашланди. Анчадан буён ота-боланинг орасидан ола мушук ўтганди. Эрининг айтишича, бунга анча йил бўлган, ўшанда у мактаб ўқувчиси бўлган экан. Отасининг вафотидан сўнг отаси бошқа аёлга уйлланган, ундан икки ўғил, икки қиз ҳам орттирган, кейинроқ

кенжа фарзанд бўлишига қарамасдан Ҳамидни уйдан кўчириб юборган эди. Ҳамидга бу роса алам қилар, ичиб олган кезлари баъзан отаси билан ғижиллашиб олишни қанда қилмасди. Ҳамид илгари одам ўлдириб, камалиб чиққани учун отаси ва ўғай онаси унинг бу дағдағаларидан жуда кўрқарди.

– Нимага тўхтадингиз, отаси, кеч бўлди-ку? – Лобар эрининг кайсар феълени билса-да, уни йўлдан қайтаришга уринди.

– Укамни кўриб чикай, Россияга ишга кетаман дейди, нимага менга айтмасдан нарсаларини олиб кетибди?..


Ҳамид шундай дея машинадан тушиб, отасининг уйига кириб кетди. Лобар болалари билан машинада эрини кутиб ўтирарди...

\*\*\*

– Сиз онамни хор қилдингиз... – ичкарида яна одатдаги жанжалини бошлади Ҳамид. – Барибир сизни бир кунни ўлдираман...

Ёмғир бува тимирскиланиб фонарини ёқди. Ўғлининг нафрат билан бокиб турган кўзларидан бир зум ғазаб алангасини ҳам кўрди. Бенхтиёр қўлини ёнидаги таёкка узатди. Ҳамид айвонга қочиб чиқди. Ёмғир бува ортидан югурди. Таёк билан қўлочкашлаб унинг бошига туширди. Ўғил бошини чангаллаб йиқилди. Сўнг ўрнидан туриб, қочмоқчи бўлиб тисарила бошлади. Бирок жажл отига минган ота қалтак билан унинг тўғри қолган жойига тушира бошлади. Чол холдан тойиб қолгунча уни савалади. Охири ҳарсиллаб қолди. Қўлидаги таёк ерга тушди.

Ўзига келиб бокса, ўғли ерда қимир-



ламай ётибди. Бошини кўтариб қараса, юзи қонга беланиб кетган. Нафас олгани сезилмайди. Кўрқиб кетган қария калтираганча бошка ўғилларига қўнғирок қилди...

\*\*\*

Суд ҳукми билан Ёмғир Аннаевага 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жабранувчи, марҳум Ҳамид Аннаевнинг турмуш ўртоғи Лобар Сатторованинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, судланувчидан унга маънавий зарар учун 20 миллион сўм ҳамда моддий зарар учун 1 миллион 300 минг сўм ундирилди.

Булар масаланинг ҳуқуқий томони ҳолос. Жиноятчиға жазо берилди. Жабранувчиға моддий зарар тўланди... Аслида энг дахшатлиси танганинг иккинчи, маънавий томони. Олти йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўз фарзандининг котилига айланган кекса ота юзидидаги тамга, у кечираётган туйғулар, виждон азоби-ю чидаб бўлмас изтироблар олдида нима деган гап?! Ундирилган миллионлар бевага эр, фарзандларга отанинг ўрнини босадими?

**Фозил РАҲМОНОВ,**  
Чироқчи тумани прокурорининг ўринбосари

## «БЕСАМАР» ЎТМАГАН КУНЛАР

Такрон-такрон қилинаётган хато, бора-бора одатга айланади. Тузалиш имкони берилган инсоннинг «даволаниш»ни истамаслиги эса тарбия нуқсонидир.

Самар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўғирлик қилиб уч йилга озодликдан маҳрум қилинди. Ёшлар иттифоқининг туман бўлими уни кафиликка олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо беришни сўради. Суд бир йил синов муддати билан Самарга жазо тайинлади.

Унга мураббий тайинланиб, бир неча марта профилактика ишлар олиб борилди. Маҳалла томонидан назоратга олинди. Аммо Самар бу муддатда қилмишдан пушаймон эканини исботлаб беролмади. ИИБ профилактика инспектори бир неча марта тунги вақтда уни уйдан тополомгач, жазони ижро этиш муассасасига мурожаат қилди. Шундан сўнг синов муддати

бекор қилиниб, суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижроси бошланди.

Кўп ўтмай Самар очикда юрган кунларини «бесамар» ўтказмагани маълум бўлди.

Бир кун у соат ўнларда маҳалладоши Холбой ақанинг уйига борди. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўзидаги қалит билан дарвозани очди. Уйни обдон кўздан кечириб, иккита дреп, битта перфоратор ва бошка асбобларни олиб чиқди. Ўғирланган буюмларни танишларига сотиб юборди. Шундан кейин яна Холбой ақанинг уйига келиб, «Спарк» автомашинасининг тўртта баллонини олиб, баллон ямокчиларига 200 минг сўмга сотди.


Кечга яқин келган Холбой ақа уйига қимдир қирганини сездди. Жияни билан маслаҳатлашиб, уйининг айвонига видеокамера ўрнатишди.

Самар бир неча кундан сўнг яна шу ҳовлига келди. Бу сафар унинг ётоқхонадан 200 АҚШ доллари, «Нокиа» телефони, қийим-кечак, «LG» телевизорни, тюнсер, омборхонадан тўртта сирли лаган, беш хил хитой чинниси ҳамда битта кастропкани олиб чиққани кузатув камерасига тушиб қолди.

Суд мажлисида жабранувчи унга етказилган зарар тўлиқ қоплаб берилгани, судланувчиға нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Суд ҳукми билан Самар Азизов аввалги жазонинг ўталмай қолган қисмини қўшиш йўли билан узил-кесил 3 йилу 3 ойга озодликдан маҳрум этилди.

**Жаҳонгир МИРСАФАЕВ,**  
Қўшработ тумани прокурори



## Бир фуқародан иккинчисига 70 минг доллар

Жаноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2019 йил 14 февралдаги қардор С.К.дан Н.У.га жиноят натижасида етказилган зарар – 70 000 АҚШ долларини (5 миллиард 911 миллион 843 минг сўм) ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати МИБнинг Учтепа тумани бўлими иш юритувига 17 июль куни келиб тушган. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига асосан ижро иши юритишни кўзга-тиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ижро ҳаракатлари давомида қардордан ундирилиши кўзда

тутилган сума бюронинг Учтепа тумани бўлими депозит ҳисоб рақамига тўлиқ ундирилган.

Шунингдек, Н.У.нинг илтимосига кўра маблаг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилиб, қонуннинг 41-моддасига асосан ижро иши юритиш тамомланган.

**Жўрабек РУСТАМОВ,**  
МИБ Учтепа тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

Оилани боқиш ҳар бир эркакнинг бурчи ҳисобланади. Эрхотиннинг муносабатларида, бола тарбиясида уларнинг тенглиги ва мажбуриятлари миллий қонунчилигимизда, шу жумладан, Оила кодексига ўз ифодасини топган.

## Мақсад фақат жазолаш эмас

Ўз фарзанди таъминотидан бўйин товлаш ўзбекдай болажон халқнинг эркакларига ярашадими?! Асло! Зеро, бу мажбуриятни ҳеч қандай мажбурул чораларисиз амалга ошириш ҳам танглик асли.

Яхши отта бир қамчи, ёмон отта минг қамчи. Эскилардан қолган бу мақол бугун алимент тўловчиларга қандай таъсир кўрсатмоқда?

Анджеон вилояти Мажбурий ижро бюросидаги ижро ҳужжатларининг 54 фоизи алимент ундириш билан боғлиқ.

Жумладан, суд қарорига кўра Пахтабод тумани “Дурдир” МФИда яшовчи Санжар Норматов бир фарзандининг таъминоти учун алимент тўлаши шарт. Бироқ ота алимент тўлагандан кўра Россияга кетиб, ҳузур-халоватда яшашни маъқул кўрди. МИБ Пахтабод тумани бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан Санжар Норматов чегарадан ушлаб келинди ва ундан 10 миллион сўм алимент қарзи ундирилди.

## Яхши отта бир қамчи, ёмон отта минг қамчи. Эскилардан қолган бу мақол бугун алимент тўловчиларга қандай таъсир кўрсатмоқда?

Айрим оталар “Нима қилсанг қил, тўлашга пулим ҳам, молим ҳам йўқ” деб баҳона қилишмоқдаки, буни кўриб қишининг ҳам раҳми келади, ҳам қаҳри... Албатта, бундайларга нисбатан керакли чоралар кўришмоқда. МИБ Анджеон вилояти бошқармаси томонидан 2019 йилнинг ўтган даврида алимент тўлашдан бўйин товлаб келган 134 кишига нисбатан маъмурий иш кўзга тилиб, уларнинг барчаси 15 суткага қамалди, 4 нафарига эса жиноят иши кўзга тилиди. 224 кишига қидирув эълон қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича Анджеон туманларо суди томонидан С.Ортиқовага М.Маъмуровдан бир фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Бюронинг Марҳамат тумани бўлими ижрочилари “Миришкор” МФИ Бешқапа маҳалласидаги 73-уйни холислар илтирозидида кўздан кечирганида, бу уй қардорнинг тоғаси А.Матқодировга тегишли экани, қардор бу ерга келмаётгани, қаердалиги номаълумлиги аниқланди. Буни қарангки, жиянининг қилмишидан уялган тоға алимент қарзининг 100 минг сўмини тўлади.

Бюронинг Булоқбоши тумани бўлими томонидан қардорнинг ижро ҳужжатида

кўрсатилган иккинчи манзили холислар ва МФИ ходимлари иштирокида кўздан кечирилди. М.Маъмуровни бу ердан ҳам топиб бўлмади. У бу хонадондан 2017 йил март ойда чиқиб кетган, охириги март 2018 йил 4 апрелда отаси вафот этганида келган экан. Қаердалигини ҳақто онаси ҳам билмайди, ушбу уйда ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк йўқ.

Қардорга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ижро этиш учун Булоқбоши тумани ИИБга ва бюронинг Булоқбоши тумани бўлими қидирув шўбасига топширилди.

Саъй-ҳаракатлар натижасида М.Маъмуров топилди. Бироқ у 15 миллион 420 минг сўм қарзини тўлашдан бўйин товлади. Шу сабабли унга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш кўзга тилиб, тўплаган ҳужжатлар Жалақудук тумани маъмурий судига юборилди. Суд қарорига асосан М.Маъмуровга нисбатан 15 сутка маъмурий қамок жазоси қўлланди.

Фаолиятимиз давомида айрим ҳолатлар кўнгилга бироз таскин бермоқда. Тарғибот ўз натижасини бериб, 894 нафар алимент тўловчи оиласи билан яраштирилди. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Анджеон туманларо судининг буйруғига кўра Олтинқул тумани “Сафаробод” МФИ, Зиевор кўчасида яшовчи Шухратбек Раҳимовдан икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Ўрганишларда маълум бўлишича, М.Раҳимова фарзандларини боқишга қийналиб, 2 миллион 550 минг сўм қарз бўлиб қолган. Бундан хабар тошган давлат ижрочиси Ш.Раҳимовга фарзандлари қийин аҳволда эканини, улар учун отанинг ўрни муҳимлиги, оиласини тиклаш бу каби кўнгилсизликларнинг олдини олишини тушунтирди. Фарзандларини соғинган ота 3 миллион 450 минг сўм қарзини ҳамда турмуш ўртоғи М.Раҳимованинг 2 миллион 550 минг сўм қарзини, жами 6 миллион сўм пул тўлаб, ўз оиласини тиклади.

Бюронинг мақсади айбдорларга жазо қўллаш эмас, балки ўз оиласи, фарзандлари олдидаги бурчини унутиб қўяётган ота-оналарга ўз вазифасини эслатиб қўйиш ҳамдир. Ахир давлат фарзандларини тушуниш учун қайғураётган бир пайтда нега ўз пушти қамарингиздан бўлган зурриёларингиз учун сиз, ота-оналар, қайғурмайсиз?!

**Абдулатиб САЛИЕВ,**  
МИБ Анджеон вилояти бошқармаси бошлиғи

## ЗАРАРНИ ТЎЛАГАНДАН КЎРА ҳуқуқбузарлик содир этмаслик лозим

Орамизда ана шу оддий ҳақиқатни тушунишни истамасдан табиий газ ва электр энергиясини талон-торож қилаётганлар ҳам учраб туради.

Мажбурий ижро бюросининг Олмалик шаҳар бўлими шаҳардаги оҳак цехида мониторинг ўтказди. Кўриқда корхона иш юритувчиси У.Мирзаев Олмалик шаҳар газ таъминоти участкаси билан шартнома тузмагани, табиий газни ҳисобга олиш асбобига шикаст етказиб, эски газҳисоблагични ўзбошимчалик билан олиб ташлагани ва ўрнига янги газҳисоблагич ўрнатиб олиб, рўйхатдан ўтказмасдан фойдаланиб келаётгани аниқланди. Оқибатда давлатга 133 миллион 99 минг сўм зарар етказилган.

Тушунтириш ишлари бесамар кет-

мади. Цех иш юритувчиси У.Мирзаев зарарни қоплади ва унга нисбатан жиноят иши кўзга тилиш рад этилди.

Мажбурий ижро бюроси Мингбулок тумани бўлими ўтказган назорат тадбирларида эса электр энергияси тармоқларига ўғринча улашиш ҳолатлари фош этилди. Жумладан, “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадон эгаси Д.Мирмухамедов юқори қувватли сув иситиш жиҳозини электр тармоғига ноқонуний улаган экан. Истеъмолчи бу билан туман электр тармоқлари корхонасига 26 млн. 280 минг сўм зарар етказган.

Унинг қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарни тўлагани инobatта олинди. Унга нисбатан айбилик масаласи ҳал қилинмай туриб жиноят иши кўзга тилиш рад этилди.

**Алишер ШОКИРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим катта инспектори

## Йигирма тўққизта жиноят иши

Фойдаланилган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўламаслик, тармоқларга ўзбошимчалик билан улашининг ҳуқуқий оқибатлари мавзусидаги кўрсатувлар, матбуотдаги чиқишлар, ўтказилаётган тарғиботлар самара бермоқда. Аксарият истеъмолчилар тўловларини ўз вақтида амалга оширишга

## Ҳуқуқбузарликлар оқибатида 8 млрд. сўмдан ошиқ моддий зарар етказилган.

одатланапти. Шу билан бирга, оғохлан-тиришлар қор қилмаган ҳуқуқбузарларга нисбатан қатъий чоралар кўришмоқда.

2019 йилнинг 9 ойи мобайнида фош этилган ҳуқуқбузарликлар оқибатида давлатга 8 миллиард 300 миллион сўмлик моддий зарар етказилган. 2188 та ҳолатда маъмурий иш кўзга тилинган. 101 та ҳолатда ҳуқуқбузарлар етказилган за-

рарни қопламаган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилгани ҳақида расман оғохлан-тирилган. 72 та ҳолатда зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлаган. Хусусан, Фарғона шаҳридаги “Energy resources invest” МЧЖга қарашли оҳак цехида табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, давлатга етказилган 117 миллион 700 минг сўмлик моддий зарарни айбдор шахслар бир ой ичида тўлагани туфайли жиноят иши кўзга тилинган. 29 ҳолатда жами 2 миллиард 654 миллион сўм зарарни қонунда белгиланган муддатда тўламаган айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.

Энергия ресурслари ва сувни талон-торож қилиш оқибатида етказилган зарарнинг 6 миллиард 100 миллион сўмдан зиёди ундирилди. Зарарнинг қолган қисмини ундириш чоралари кўришмоқда.

**Жамолiddин ОДИЛОВ,**  
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

## Зарар ихтиёрий тўланди

Мажбурий ижро бюроси Жиззах вилояти бошқармаси ва Жиззах шаҳар бўлими ходимлари томонидан шаҳардаги умумий оқватлиши шохобчаси энергия ресурсларидан қандай фойдаланаётгани ўрганилганда ноқонуний ҳолат аниқланди. Яъни электр ҳисоблагичдаги завод ўрнатган голографик муҳр ва қафолат ёрлиғи бузилгани, ички хотира блоқи алмаштирилиб, бошқа ҳисоблагичнинг блоқи ўрнатилгани ошкор бўлди.

Мазкур ҳолатда жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли зарарни қоплаш учун 30 кунлик муддат берилди. Белгиланган муддатда 49 миллион 572 минг сўм зарар ихтиёрий равишда тўланди ва тўпланган ҳужжатлар Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан тугатилди.

**Исомиддин ҚУРБОНОВ,**  
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси инспектори

# ИЗҚУВАРЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

Жинойятчиликка қарши курашишда тезкор қидирувни амалга оширувчи органлар алоҳида ўрин тутди.

2012 йилнинг 25 декабрь куни Ўзбекистоннинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни имзоланди. Унга қадар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор-қидирув фаолияти ички идоравий ҳужжатлар (буйрук, низом) билан тартибга солинган.

Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон ҳудудида тезкор-қидирув фаолиятини Ички ишлар вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг, Давлат божхона кўмитасининг, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюросининг органлари амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Тезкор-қидирув фаолиятининг юзга келиши узок даврларга бориб тақалади. Масалан, Россия империяси даврида Петр I (1672-1725) томонидан Петербургда полиция канцелярияси ташкил этилиб, жинойятчиликка қарши курашишда тезкор қидирув билан шуғулланган. Петр I вафотидан сўнг 1730 йилда ўғри ва қароқчиларга қарши курашувчи алоҳида тузилма ташкил этилган. Жинойятчиликка қарши кураш тақомиллашиб борганини инобатга олиб, 1908 йилнинг 6 июль куни “Изуварлик бўлиналари ташкил этиш ҳақида”ги қонун қабул қилинган. Таъкидлаш жоизки, жинойятчиликнинг турли кўринишлари пайдо бўлиши унга қарши курашишнинг

янги механизм ва тактикаларини ишлаб чиқишни тақозо этиб, бу вазифалар айнан тезкор-қидирув фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган.

Изуварлик институтининг асл ватани сифатида Франция тан олинган. 1810 йилда Парижда биринчи бўлиб “Сюрте” махфий полицияси ташкил этилган. Ушбу полиция ўша пайтда бир неча марта судлана чикқан, жинойтчилар оламида машҳур бўлган Видок исмли шахснинг ташаббуси билан ташкил этилган экан.

Амир Темура хукмронлиги даврига назар соладиган бўлсак, унда тезкор қидирув тушунчаси пайдо бўлмаган бўлса-да, бироқ унинг функциясига ўхшаш тадбирларни амалга оширувчи алоҳида махфий хизмат бўлгани бу фаолият куни кеча пайдо бўлмаганининг яққол далилидир.

Ўзбекистон Конституциясининг 121-моддасига асосан, Ўзбекистон ҳудудида жинойятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи ҳусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлиналари тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланган. Жинойт-процессуал кодексининг 391-моддасида эса жинойтларнинг олдини олиш ва фош этишда ваколатли органларга тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг “Тезкор-қидирув фаолияти

тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига ҳам энергия ресурслари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш билан бир қаторда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати берилди.

Шу аснода бюро директори томонидан тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи бир қатор идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, тезкор ходимларнинг тезкор қидирувга оид билим ва қўникмаларини ошириш чоралари кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 2019 йилнинг 12 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ИИБ академиясига Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда бюро ходимларини тезкор-қидирув йўналишида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этиш вазифаси юклатилди. Бугунги кунда бюро органларининг барча тезкор ходимлари ушбу курсларда босқичма-босқич ўқитилмоқда.

**Мирзоҳид МИРАҲМЕДОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
МИБ бўлим катта инспектори

SAYLOV – 2019

## ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

### 1. Овоз бериш вақти ва жойини қаердан билса бўлади?

Бу ҳақда участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида 10 кун олдин хабардор қилади.

### 2. Овоз бериш қачон ўтказилади?

Сайлов куни (22 декабрь) соат 8:00 дан 20:00 гача овоз бериш мумкин.

### 3. Овоз бериш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат шартми?

Ҳа, шарт. Сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиб, сайловчилар рўйхатига имзо қўйгандан сўнг унга сайлов бюллетени берилади.

### 4. Фуқаронинг фамилияси сайловчилар рўйхатига бўлмаса, нима бўлади?

Бундай ҳолда сайловчи шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжати асосида сайловчилар рўйхатининг иловасига киритилади ва унга сайлов бюллетени берилади.

### 5. Овоз бериш вақтида сайлов бюллетени бузиб қўйилса-чи?

Сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин.

### 6. Овоз бериш хонасига яқин қариндошлар бирга кирса бўладими?

Овоз бериш хонасида сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа кишиларнинг бўлиши тақиқланади.

### 7. Сайловчи бюллетенини мустақил тўлдириш имкониятига эга бўлмаса-чи?

Бундай ҳолда сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли. Сайлов комиссияси таркибига қирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бундан мустасно.



### 8. Вақтинча яшаш жойи бўйича ҳам сайловда иштирок этиш мумкинми?

Ҳа, мумкин. Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган фуқаролар доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги сайлов участкасида овоз бериши мумкин.

### 9. Касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз беришга кела олмаган сайловчилар нима қилади?

Сайлов комиссиянинг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига боради.

### 10. Кимлар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас?

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган; оғир ва ўта оғир жинойтлар содир этгани учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар.

### 11. Муддатидан олдин овоз бериш мумкинми?

Ҳа, мумкин, сайлов кунини яшаш жойида бўла олмайдиган фуқаролар участка сайлов комиссиясига муддатидан олдин овоз бериш ҳақида ариза билан мурожаат қилади. Аризала сайлов куни яшаш жойида бўла олмаслик сабаби (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва х.) кўрсатилади.

### 12. Муддатидан олдин овоз бериш қачон ўтказилади?

Сайловга 10 кун қолганида бошланади ва сайловга 3 кун қолганида тугалланади.

КЕЛГУСИ  
СОНДА

Хотинига  
ахлоқсиз  
шартлар  
қўйган эр ўз  
қизини ҳам  
зўрламоқчи  
бўлди.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAYATI:

Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz  
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallari ko'chirib  
bosilganda manbaa sifatida gazeta  
nomi ko'rsatilib shart.  
[T] – tijorat materiali.

Buyurtma v-9901.  
15 934 nusxada bosildi.  
Ong'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi  
va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Nashriyotchi muharrir: K.ASDAROV  
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa  
ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqt: 22.00.  
Topshirish: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi  
matbuot va axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Индонезияда Ўзбекистонда ўтадиган сайловлар ҳақида мақола чоп этилди.

14-NOYABR 2019-Y.

HUQUQ № 46

(1181)

11

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



30 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Гулора Бобожонова табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизмидаги меҳнат фаолияти давомида Амударё тумани прокуратурасида иш ўрганувчи, терговчи, туман прокурорининг ёрдамчиси, туман прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлим прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун

устворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби вазифалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Гулора Бобожонованинг узоқ йиллик хизматлари ҳуқуқимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 августдаги фармонида биноан “Жасорат” медали ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгесининг

1998 йил 4 декабрдаги қарорига биноан “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони билан мукофотланган.

Ҳурматли Гулора Ўринбоевна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, ҳонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

## SPORT



### ФИФА Ўзбекистонда

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Саудия Арабистони билан ўйин олдида машғулотларини “FIFA TV” нинг ижодий гуруҳи тасвирга олди.

Саудияга қарши ўйин якунлангач, ушбу мавзудаги “Road to Qatar 2022” ҳужжатли фильми тайёрланди ва эфирга узатилди.

Айтиш жоизки, “FIFA TV” жаҳон чемпионати саралаш баҳслари пайтида гуруҳларда потенциал фаворит жамоалар меҳмони бўлиб ана шундай фильмлар тайёрлайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ФИФА мутахассислари Ўзбекистон терма жамоасининг саралаш баҳсларидаги имкониятларини юқори баҳоламақда.



### Суаресга Бекхэм жамоаси харидор

«Барселона» клуби раҳбарияти ўз ҳужумчиси Луис Суаресни текинга қўйиб юбориши мумкин.

ESPN хабарига кўра аяни дамда унга Дэвид Бекхэм президентлик қилаётган «Интер Майами» клуби даъвогар бўлиб турибди.

Хозирча Суареснинг ўзи ҳам келажаги борасида бир қарорга келгани йўқ. Луис аяни дамда ўз шерикларига Хитой ёки МЛСга кетиш истаги йўқлигини айтиб ўтган.

### Марио Гомес «Пахтакор»га ўтиши мумкин

Тошкентнинг «Пахтакор» клуби ўз сафини кучайтиришни мақсад қилган. Жамоа асосан ҳужумга эътибор бермоқда.

GoUzbekistan телеграм каналининг маълум қилишича, «Пахтакор» клуби кишики трансфер ойнасида Германия терма жамоаси ва «Бавария» клубининг собик ҳужумчиси Марио Гомесни ўз сафига қўшиб олиши мумкин.

Олдинроқ «Пахтакор» бош мураббийи Шота Арвеладзе жамоага Эммануэль Адебайорни олиб келмоқчи бўлгани хақида айтиб ўтганди.



### Халқаро турнирда мезбонлар ғолиб чиқди

Тошкент темирйўл муҳандислари институти спорт мажмуасида уч кун давомида эркаклар ўртасида волейбол бўйича “Тошкент – 2019” халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон терма жамоалари баҳс олиб борди. Бу ҳақда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Иккинчи кунги баҳслардан кейин Ўзбекистон ва Туркменистон терма жамоалари бир хил натижа, яъни иккитадан ғалабага эришган ҳолда бош совринга асосий даъвогар бўлиб туришганди. 3-турда улар ўзаро тўқнаш келишар ва мусобақа ғолиби айнан шу ўйинда аниқланар эди.

Мусобаканинг сўнгги кунни дастлаб майдонга Тожикистон ва Қирғизистон терма жамоалари тушди. Муросасиз кечган ўйинда 3-2 ҳисобида ғалабага эришган қирғизлар бронза медалга сазовор бўлди.

Ниҳоят ҳал қилувчи ўйинда Қаримжон Раҳимқулов мураббийлигидаги миллий терма жамоамиз аъзолари туркменистонлик рақибларини 3-0 ҳисобида мағлуб этди ва бош совринни қўлга киритди. Бир қарашда вакилларимиз катта устунлик билан ғолиб чиққандек кўринса-да, аммо ўйин кизгин курашлар билан кечганини таъкидлаш керак. Айниқса, учинчи партияд вакилларимиз 25-23 ҳисобида зафар қучди ва “Тошкент – 2019” халқаро турнири ғолибига аталган кубокни юрти-мизда олиб қолди.

Испания суперкубоги ярим финалида муҳлислар “Реал” – “Валенсия” ва “Барселона” – “Атлетико” матчида гувоҳ бўлишади.

### Испания суперкубоги учун 120 миллион

Ярим финал ўйинлари 8 (“Реал” – “Валенсия”) ва 9 (“Барселона” – “Атлетико”) январь кунлари, финал эса 12 январь кунини ўтказилади.

Аввал хабар қилинганидек, Испания суперкубоги ярим финал ва финал учрашувлари Саудия Арабистонида бўлиб ўтади. Саудияликлар бунинг учун 120 миллион еуродан воз кечишди.

«Атлетико» президенти Эврике Сересо Испания суперкубоги ўйини Саудия Арабистонида ўтказилиши борасида фикр билдирди.

«Агар Испания футбол федерацияси учрашув Саудия Арабистонида ўтказилишига қарор қилган бўлса, унда биз у ерда ўйнаймиз. Бизда бу борада муаммо йўқ. Ўйлашимча, бу мамлакатда барча қулайликлар бўлади. Биз ўзимизни яхши ҳис қилишимиз учун барча шароитлар яратилади.

Шубҳасиз, у ерга бориш осон эмас. Айниқса янги йил кунлари. Ўйлаيمانки, Испания футболни бутун дунё бўйлаб айланиши керак ва ҳозир бунинг аяни пайти», – деди Сересо.

Австралиялик боксчи Дуайт Ричи спарринг вақтида берилган зарба натижасида вафот этди. Бу ҳақида “BoxingScene” хабар бермоқда.

### Машғулотдаги зарба ўлимга сабаб бўлди

Таъкидланишича, 27 ёшли спортчи жамоадоши Майкл Зерафа билан спарринг ўтказган. Қорнига берилган зарбадан сўнг Ричи жангчи тўхталишни сўраган ва дарҳол хушини йўқотган. Воқеа жойига етиб келган шифокорлар эса унинг хаётини сақлаб қола олмаган.

Қайд этиш жоиз, Дуайт икки бора оқсон касаллигини енгиб, ҳаётга қайтган. У профессионал фаолиятидаги сўнгги жангида россиялик машҳур боксчи Константин Цзюнинг ўғли Тим Цзюга очколар ҳисобида мағлуб бўлганди.

Ричи профессионал рингда шу кунга қадар жами 19 та ғалабага эришиб, 2 та жангда мағлуб бўлганди.

Эслатиб ўтамыз, аввалроқ россиялик профессионал боксчи Максим Дадашев жанг вақтида, WBO Latino камарининг собик соҳиби Леонардо Хавьер Гонсалес эса йўлда аварияга учраб вафот этганди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Айгуль Атаджановга укаси **Рустамбек АТАДЖАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия илҳор қилади.